КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 142 (7532). ● 25 июль, 1981 йил ◆ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ЯШНАЁТГАН ДАЛАЛАР

ПАХТАЗОР оралаб деҳқон меҳрига қониб, баравж ўсаётган ғўзаларни кўриб дилингиз қувнайди. Бу — Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг Содиқ Ўктамов бошчилик қилаётган бригадасига қарашли ерлар.

Экин ўз вақтида озиқлантирилиб, культивация қилинаётганлиги учун кўсаклар кўпайиб, семирмоқда. Бригада аъзолари қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва бегона ўтларга қарши кураш тадбирларини ҳам вақтида амалга оширмоқдалар. Бу ерда, айниқса, ғўзани саратон сувига қондириб суғориш намунали йўлга қўйилган.

Биринчи ва иккинчи даражали Шуҳрат ордени кавалери, механизатор Пайсен Убайдуллаев ҳар куни етти-саккиз гектар майдондаги ғўзани культивациядан чиқармоқда. Бирйўла ўғит ҳам солиб кетилаётир.

Умарали Нишоналиев, Мухиддин Қозоқбоев, Саидгани Рихсибоев, Йўлчи Турсунбоев сингари ўртоқлар сув қўйишда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар. Сувчилар ўртасидаги мусобақада Умарали Нишоналиев голиб чиқди ва унинг шарафига шуҳрат байроғи кўтарилди.

Муқаддас Саидова, Матлуба Турсунбоева, Маргуба Болтабоева сингари комсомол-ёшлар ҳам фидокорлик билан меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

С. АБДУРАҲМОНОВА.

ЯНГИ НАШР ТУГАЛЛАНДИ

К. Маркс ва Ф. Энгельс асарлари иккинчи нашрининг 50-томи босмадан чиқди. Бу томни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти нашрга тайёрлади ва КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этди. Шу том чиқарилиши билан ана шу нашр тугалланади. 50-том илмий коммунизм асосчиларининг шу пайтгача эълон қилинган барча асарларидан энг тўлиғи деб ҳисобланади.

Бу томда Марксниг экономикага доир қўлёзмаси биринчи марта эълон қилинган. Бу қўлёзма 1868—1870 йилларда тайёрланган бўлиб, «Капитал» иккинчи томи қўлёзмаларининг сақланиб қолган вариантларининг энг тўлиғидир. Бунда капиталистик хўжалиқнинг ҳаракат механизми билан боғланган кўп проблемалар ўз ифодасини топди, муомала ва капитални такрор ишлаб чиқариш назариясига доир бир қанча янги назарий қоидалар баён қилинган. Бу қоидалар марксча-ленинча иқтисодий таълимот учун катта аҳамиятга эгадир.

Маркс билан Энгельснинг бошқа асарлари, шунингдек уларнинг юздан ортиқ хатлари ҳам бу томга киритилди. Томдаги ҳужжатларнинг кўп қисми илгариги томлар нашр этилганидан кейин Совет Иттифоқида ва бошқа мамлакатларда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида топилди. Улар марксизм тарихи ва назарияси, халқаро ишчилар ҳаракати проблемаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш учун манба бўлиб хизмат қиладиган базани анча бойитади, ишчилар синфининг улуғ устозлари ва йўлбошчилари таълимотининг моҳиятини чуқур билиб олишга ёрдам беради.

(ТАСС).

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ

Ҳозир мамлакатимиз, унинг ҳамма халқлари КПСС XXVI съезди ғоялари таъсири остида яшамоқдалар. Партиянинг режаларида мужассамлашган мана шу чинакам инсонпарварлик ғоялари меҳнатчиларни шонли ишларга руҳлантирмоқда, уларнинг коммунистик қурилишда янги чўққиларни эгаллашга интилишини кучайтирмоқда.

К. Маркс коммунизмни реал инсонпарварлик деб атаган эди. Ленин партияси совет халқининг эзгу мақсад сари ҳаракат йўлларини белгилар экан, мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланишга интилиб, коммунистик истиқболни яқинлаштирмоқда. Етук социалистик жамиятимизда олға томон силжиган сайин шахсни камол топтириш, умумхалқ бахт-саодати йўлида амалга оширилаётган юксак инсонпарварлик ғояларининг моҳияти тўлиқроқ намоён бўлмоқда. Халқ хўжалиги совет кишиларининг фаровонлигини оширишнинг ҳаётий бўлган хилма-хил вазифалар томон янада чуқурроқ буриб юборилаётганлиги, КПСС XXVI съезди ўртага ташлаган — конкрет инсон тўғрисида конкрет ғамхўрлик шиори — партиямиз сиёсати инсонпарварлигининг жуда яққол далилидир.

КПСС халқ турмушкинг ҳамма соҳаларини яхшилашни, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришни таъминлашни ўз фаолиятининг бош маъноси деб билади. Ҳозирги беш йилликда бу соҳада кўп иш қилинмоқда. Мамлакатнинг миллий даромадида истеъмол фондининг салмоғи ортиб бормоқда. Махсус озиқ-овқат программасини ишлаб чиқишга киришилди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини оширишга, маиший хизматни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган қарорларида болалари бўлган оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш, аҳолининг социал таъминотини янада яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Унинг чақириқ СССР Олий Советининг бешинчи сессиясида қабул қилинган СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой тўғрисидаги қонун асосларини бутун халқ маъқуллади.

Социалистик инсонпарварлик — реал, фаол инсонпарварликдир. КПСС совет кишиларини мамлакатнинг тежамкор хўжалигидан эканини сезиш руҳида тарбиялашда, моддий ва маданий неъматларни кўпайтириш манбаи бўлган меҳнатга муҳаббат ва ҳурмат туйғуларини сингдирмоқда. Партия коммунизм бинокорларининг ҳаётий позициясини шакллантирар экан, уларнинг ўзлари танлаб олган соҳадаги меҳнатки қар бир кишининг вазифаси ва шон-шараф иши каби ижтимоий фойдали фаолият деб баҳолайди.

Бизнинг олижаноб мақсадларимиз совет кишиларининг осойишта, муносиб, бахтиёр яшашларига ва муваффақиятли ишлашларига ҳалақит бераётган жамият манфаатларига зид ҳодисаларга, ножўя ишларга, ҳаракатларга қарши муросасиз курашишдан ажралмасдир.

...Текинхўрлик, порахўрлик, чайқовчилиққа, меҳнатсиз даромад қиладиганларга, социалистик мулкка кўз олайтиришларга олиб борадиган ҳар қандай йўлларни барча ташкилий, молиявий, юридик восталар ёрдамида маҳкам беркитиб ташлаш керак», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида.

Партиямизнинг бутун сиёсати социал-иқтисодий ўзгартишларни янги инсонни вояга етказиш, шахсни ҳар тарафлама камол топтириш вазифаларини ҳал этиш билан чамбарчас боғлаш асосига қурилмоқда. Чунончи ҳозирги беш йилликда ҳам мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг конкрет вазифалари билан бир қаторда жамиятнинг маънавий бойликларини янада ўстириш, одамларнинг маълумотини оширишга, кадрларнинг касбкор тайёргарлигини яхшилашга қаратилгандиган тадбирлар системаси ишлаб чиқилди. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, коллективлар ихтиёрида ҳар бир гражданнинг ўз қобилиятини, истеъдодини яхшироқ намоён этишига, одамларни ғоявий матонат, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга кўмаклашиш учун кенг имкониятлар бор.

Етук социализм жамиятининг юксак инсонпарварлиги мамлакат гражданларининг СССР Конституциясида ўзларига берилиб қўйилган ҳуқуқларни актив амалга оширишларида ҳам намоён бўлади. Партия демократияни янада ривожлантиришни таъминлайди, меҳнат аҳлининг обрў-эътиборини юқори кўтаради, унинг учун жамият бахт-саодати йўлида ижод қилиш эркинлигини яратиб беради, жамият ишларини идора қилишда меҳнаткашларнинг иштироқини кучайтиради, халқлар дўстлигини мустаҳкамлайди, одамларга коллективизм, саҳийлик ва ўзаро ёрдам туйғусини сингдиради. Бизнинг мамлакатимизда: инсон —инсонга—ўртоқ, дўст, биродар деган принцип чиндан ҳам тантана қилмоқда. Коммунизмнинг инсонпарварлик юксак ғоялари ҳозирги воқеликимизда тобора тўла ва чуқур ифодаланиб, оммаларнинг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини қулф урдирмоқда. Бутун жамиятнинг ҳар бир киши фаровонлиги ҳамда камолоти тўғрисидаги реал ғамхўрлиги ифодаси бўлмиш социалистик турмуш тарзининг ўзига хос, энг асосий фазилатлари сифатида мана шу юксак ғояларни пропаганда қилиш янги дунё бинокорларининг ғоявий чиниқишини кучайтиришнинг, гражданлик етуклигини оширишнинг синалган воситаларидан биридир. Шу билан бирга бу—буржуа ва ревизионистик идеологияга қарши курашда, эксплуататорлик тузуми юзага келтирадиган маразларни фош қилишда партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг қудратли қуроли ҳамдир. Социалистик инсонпарварлик эски дунёда ҳукм сурган зўравонлик, террор йўли билан инсонни камситиш, унинг шахсиятини бардад қилиш йўлидаги ҳамма уринишларга қарама-қарши турибди.

Бизнинг инсонпарварлик юксак ғояларимиз ватанпарварлик билан интернационализмнинг бирлигида ҳам намоён бўлмоқда. Совет кишилари жонажон диёрга, социалистик тузумга садоқат туйғусини ўзларида асло бўшаштирмай, айни вақтда ўз интернационал бурчларини шараф билан бажармоқдалар. Биз учун инсонпарварлик ва адолат Америка Қўшма Штатлари ўтказаётган «зўравонлик сиёсати», инглиз империалистларининг Шимолий Ирландиядаги бедодлиги, Исроилнинг Яқин Шарқ районидаги агрессив қароқчилик ҳаракатлари, Чилидаги ҳарбий хунтанинг ёки Жанубий Африка Республикасидаги иркчи режимнинг жиноятлари каби ғайри-инсоний кўринишларга қарши актив ҳаракат қилиш билан чамбарчас боғланган. Биз ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқларни, урушга қарши, мустаҳкам тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган ҳамма кишиларни қўллаб-қувватлашни инсонпарварлик иши деб ҳисоблаймиз. Советлар мамлакати гражданларининг бутун эзгу фикр-ўйлари еримизни ядро қулига айлантиришга йўл қўймасликка қаратилгандир.

Коммунизм қураётган совет кишилари партия бошчилигида чинакам инсонпарварлик байроқдорлари бўлиб, тинчлик, социал тараққиёт учун, инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашчилар бўлиб ҳаракат қилмоқдалар.

(«ПРАВДА» газетасининг 23 июлдаги бош мақоласи).

СИФАТ ВА МАНФААТ

ЎТГАН ЙИЛ якунлари сарҳисоб қилинганда, колхозимизнинг М. Мусаев бошлиқ бригадасида ҳар гектар майдондан 42 центнердан хирмон кўтарилганлиги маълум бўлди. И. Сарибоев бошлиқ бригадада эса пахта ҳосилдорлиги 41,6 центнерни ташкил этди. Бироқ бу бригадалар аъзоларининг олган иш ҳақлари турлича бўлди. И. Сарибоев бошлиқ бригадада колхозчилар асосий иш ҳақларининг ҳар сўмига 2 сўм 10 тийиндан қўшимча пул олишди. М. Мусаев бошлиқ бригадада эса бу кўрсаткич 1 сўм 20 тийинга тўғри келди. Нега бундай бўлди?..

Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Кўп йиллардан бери колхозимизда барча пахтачилик бригадалари хўжалик ҳисобида ишлайди. Ўтган йили И. Сарибоев бошлиқ бригада коллективи ҳосилни етиштириш, уни йиғиб-териб олиш учун кам маблағ сарфлашди. Энг муҳими, пахтани эрта етиштириб, унинг асосий қисмини юқори сортларга топширди. Деярли барча ҳосил машиналарда териб олинди. Шу туфайли бригада аъзоларининг даромадлари ҳам мўмай бўлди.

Зотан областимиз пахтакорларининг мўл ва эртаги ҳосил етиштириш соҳасидаги илғор иш услублари ҳам кам сарф билан баракали «оқ олтин» хирмони уйиш, техникадан самарали фойдаланишга асосланган. Бу эса ҳар бир агротехника тадбирини энг қулай муддатларда, ғоят сифатли ўтказишни талаб этади.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган колхозимиз аъзолари ўн биринчи беш йиллигининг дастлабки йилида 1000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш; давлатга 4500 тонна юқори навли пахта топшириш мажбуриятини олганлар. Ваъдага яраша мўл ҳосил етиштириш учун бутун куч ва имкониятлар ғўза парваришини жадаллаштиришга қаратилган. Механизаторларимиз ҳозирга қадар ғўза қатор ораларини 8 марта культивация қилдилар. Экин 2,5 марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Ҳар гектар майдонга 600 килограммдан азотли ўғитлар солинди. Илғор бригадаларимизда пахтазорларга тўртинчи сув тараш бошлаб юборилган.

Хўжалигимизда агротехника тадбирларини ўтказиш суръатларини ошириш билан бир қаторда асосий эътибор иш сифатига қаратилмоқда. Бу соҳада колхоз бош агрономи Бахтиёр Худоёров раҳбарлигидаги сифат комиссияси ибратли фаолият кўрсатмоқда. Комиссия аъзолари ҳар бир бригадада ғўза қатор ораларига ишлов бериш, суғориш, ҳашаротларга қарши кураш ишларининг сифатини мунтазам текшириб борадилар. Улар тавсиясига биноан ғўза парваришини намунали ташкил этган илғор бригадалар далаларига сифат белгиси берилади. Сўнгги ўн кунлик якунига кўра бу фахрли беш қиррали балги И. Сарибоев бошлиқ бригада пахтазорларига берилди. Ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун курашаётган бу коллектив аҳдга яраша меҳнат қиляпти. Бригада далаларидаги ғўзаларда ҳозир 5—6 тадан кўсак бор. Пахтакор ва механизаторлар ҳосилга-ҳосил қўшиш учун ғўза қатор ораларини

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

чуқур ва майин юмшатишяпти, экинни оби-ҳаётга кондирмоқдалар. Уларнинг далаларида бўронга ҳам бегона ўт учратмайсиз.

Ленин ордени нишондори А. Назарқулов, А. Умрқулов, М. Мусаев бошлиқ бригадаларда ҳам агротехника тадбирларининг сифатли ўтказилишига катта эътибор берилмоқда. Умуман ҳозир пахта далаларимизда 23 та чопиқ трактори ишламоқда. Улардан 20 тасига чеканка агрегатлари ўрнатилган. Дала гвардиячиларимиз қатор ораларига ишлов беришни чеканка билан қўшиб олиб боришяпти. Бу ишда механизаторлардан Т. Худоёров, А. Абдурақмонов, Э. Умаржонов, А. Машариповлар чинакамига жонбозлик кўрсатаётирлар. Улар бой иш тажрибасига эга бўлган моҳир механизаторлардир. Ғўза тупларида кўсак маржонлари тобора кўпаётган ҳозирги кунларда механизаторлар биророта гул ва кўсакни тўкиб юбормаслик учун омилкорлик билан иш тутяяптилар.

Сувчиларимиздан У. Пирназаров, Ё. Аноркулов, П. Каримов, А. Анорбоев, Р. Шароповлар ҳам ўз касбининг усталари ҳисобланадилар. Улар сув тараган пайкалларда бирор туп ғўзанинг чўллатиб ёки бирор жойнинг қўллатиб қўйилганлигини кўрмайсиз. Умуман ҳозир хўжалигимизда 105 нафар сувчи ғўзаларни суғоришга жалб этилган. Сифат комиссияси аъзолари тунги суғориш устидан, айниқса, қатъий назорат ўрнатишган.

Гулни кўсакка айлантириш, уларнинг тез очилишини таъминлаш ҳамда тупроқда намни кўпроқ сақлаб туриш мақсадида ғўзаларни маҳаллий ўғитлар билан озиқлантиришни давом эттирмоқдамиз. Вегетация даврида солиш учун 1800 тонна гўнг жамғариб қўйган эдик. Унинг 1200 тоннаси пахтазорларга солиб бўлинди. Ҳозирги кунларда ҳам ҳар гектар майдонга 500—600 килограммдан парранда гўнги соляпмиз.

10 нафар кузатувчимиз ўз бригадаларида пахтазорларни синчиклаб текшириб, қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалган жойларни аниқлаб беришяпти. Бу ерларга учта «ОВХ» агрегати билан препаратлар сепиляпти. Бу ишда механизаторлардан Н. Умаров ва З. Курбонқуловлар ғайрат кўрсатаётирлар.

Чеканкани сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бераётгирмиз. Чунки ғўза барги яхши чилпилса дефолиация ҳам сифатли бўлади. Натижада пахта далаларига такрорий дефолиант сепиш учун қўшимча маблағ сарф қилишга тўғри келмайди.

Буни колхозимизнинг ҳар бир аъзоси яхши билади. Чунки улар ҳосил етиштириш ва уни йиғиб-териб олиш учун қанча кам сарф—харажат қилсалар, шунча кўп даромад олишларини тушунишади. Шу боисдан ҳар бир пахтакор ва механизатор иш сифати учун жон куйдиряпти.

Ғўза парваришини жадаллаштириш билан биргаликда пахта йиғим-теримига ҳам тайёргарлик кўряпмиз. Механик-ҳайдовчиларимиз бу йил ялпи ҳосилнинг 90 процентидан кўпроғини «зангори кемаларни» билан териб бериш мажбуриятини олганлар. Ремонт устахонамизда мавжуд 22 пахта териш машинаси терим аппаратларининг ҳаммаси сифатли созлаб қўйилди. Улардан 14 таси машиналарга ўрнатилган. Терим техникаси ва транспорт воситаларини ремонт қилиш учун 14 нафар слесарь ва механизатор жалб этганмиз. Улар ишни икки сменада ташкил этиб, яқин кунларда «зангори кемаларини созлаб бўлиш учун курашаётирлар.

Юксак мажбуриятимизга яраша мўл ва эртаги ҳосил етиштириш учун август ойида ҳам ғўза парваришини қизғин давом эттирамиз. Пахта очилгунга қадар қатор ораларига яна икки марта ишлов бериш ва ғўзани икки бор суғоришни режалаб қўйганмиз. Бу ишларни жадал суръатларда ўтказиш билан биргаликда асосий диққат-эътиборни сифатга қаратамиз.

И. ҲАЙДАРОВ,
Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг раиси.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

КЕЧА Тошкент область «Билим» жамияти ташкилоти правлениесининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида лекция пропагандасининг илмий савияси ва самарадорлигини янада ошириш бўйича область партия ташкилоти олиб бораётган ишлар ҳамда «Билим» жамияти область ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда «Билим» жамияти Чирчиқ шаҳар ташкилоти правлениеси раисининг ўринбосари, марксизм-ленинизм университети кечки бўлимининг директори Г. А. Балаев, область касаба союзлари Совети оммавий-маданий ишлар бўлимининг мудири Ф. А. Рўзибеков, «Билим» жамиятининг район ташкилоти ҳуқуқидаги Олмалиқ-кўпметаллургия комбинати жамият бошланғич ташкилоти правлениесининг раиси В. М. Пилецкий, «Билим» жамияти Оҳангарон район ташкилоти правлениеси раисининг ўринбосари Т. Фаттаҳуддинов, мазкур жамият Коммунистик район ташкилоти правлениеси раисининг ўринбосари И. Султонова ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда тегишли қарор қабул қилинди ҳамда «Билим» жамияти область ташкилоти фаолиятини яхшилаш, лекция пропагандаси илмий савияси ва самарадорлигини ошириш соҳасидаги тадбирлар тасдиқланди.

ИНСОН ТЎҒРИСИДА, УНИНГ ФАРОВОНЛИГИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ—БОШ ВАЗИФА

24 июль куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида аҳоли турмуш маданиятини ошириш республика кенгашининг мажлиси бўлди.

Кенгаш оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан касаба союз ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ишини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Узсовпроф раиси Н. М. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри А. М. Худойберганов ахборот бердилар. Республиканинг касаба союз ташкилотлари ва медицина муассасаларининг партия билан ҳукуматнинг доимий ғамхўрлигига таяниб, она ва боланинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш учун кўп ишни бажардилар ва бажармоқдалар. Эндиликда соғлиқни сақлаш умумий системасининг мана шу актуал соҳаси мустаҳкам моддий негизга асосланади. Ҳозир Ўзбекистонда 870 та болалар поликлиникаси ва бўлими, ихтисослаштирилган 70 та касалхона ишлаб турибди, булар бир вақтнинг ўзида салкам 44 минг болани даволаш учун қабул қила олади. Ёрдамчи тўғруқхона муассасалари ва аёллар консультацияларини, сутли таомлар ошхоналари кўплаб барпо этилди. Юз мингдаг болалар ва оналар ҳар йили касаба союз шифохоналарида саломатликларини мустаҳкамлаб олмоқдалар.

Шу билан бирга, кенгашда қайд этиб ўтилганидек, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни ташкил этишда ҳали жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Бир қанча областларда бу муҳим соҳага етарлича эътибор берилмаяпти, меҳнат ва турмуш шароитлари, аёллар ва болаларга медицина хизматини яхшиндаш ишлари суст бормоқда. Баъзи касалхоналар ва поликлиникаларда профилактика, диагностика ва даволаш тадбирларининг сифати ҳамон паст бўлиб қолмоқда. Энг яхши туғруқхоналар, аёллар консультацияларининг, болалар медицина муассасаларининг иш тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштириш суст бормоқда. Кенгаш қабул қилган тавсияларда камчиликларни бартараф этиш, республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш сифати ҳамда самарадорлигини оширишнинг конкрет йўллари белгиланди.

Мажлисда дала шийпонларида қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан Андижон область партия комитетининг секретари М. Х. Муҳиддинов ва Хоразм область Боғот районидаги Нарманов номли колхоз раиси А. И. Искандаровнинг ахборотлари тингланди. Республиканинг бошқа кўпгина хўжаликларида бўлгани каби Андижон области ва Нариманов номли колхозда ҳам дастлаб деҳқонларга тўлиқ маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун ва улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни авж олдириб юбориш учун барча зарур нарсалар билан жиҳозланган типовой дала шийпонлари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Шунга қарамай, муҳокамада қатнашган кишилар қайд этиб ўтишганидек, айрим партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бир қанча бригада ва звеноларда ҳозирга қадар ўз дала шийпони йўқлигига тоқат қилиб келмоқдалар, ёз фаслида далаларда банд бўлган колхозчилар билан совхоз ишчиларининг турмуши ва маданий ҳордиқ чиқариш учун яхши шарт-шароитларни ташкил этиш тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилмаяптилар. Кенгаш ҳамма жойда жуда қисқа муддат ичида хўжаликларнинг дала шийпонларни билан таъминлашга, деҳқонларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш аҳволини баҳолиши, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, деҳқонлар ўзларининг бўш вақтларидан мазмунли фойдаланишларини таъминлаш, оммавий-сиёсий ва агитация-пропаганда ишларини активлаштириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб амалга оширишни тавсия этди. Дала шийпонларида сиёсий-тарбиявий ишларни ташкил этиш ва деҳқонларга маданий хизмат кўрсатиш тўғрисида низом қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Госкомиздатининг раиси З. И. Есенбоев, Ўзбекбирлашув правлениесининг раиси З. Ш. Сирожев, республика Госплани раисининг ўринбосари И. А. Каримов кенгаш мажлисида китоб савдосининг аҳволи ва бу ишни яхшилаш, унинг материал-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида ахборот бердилар. Муҳокама чорида қайд этиб ўтилдики, республикада адабиётни пропаганда қилиш, китобхонлик савиясини ошириш, аҳолини китоблар билан таъминлаш соҳасида муайян ишлар бажарилди. Уларнинг беш йилликда китоб маҳсулотлари сотиш ўтган беш йилликдагига нисбатан эллиқ миллион сўмликдан кўпроқ ошди. Ҳозирги пайтда китобдолар билан савдо қиладиган 625 та ихтисослаштирилган магазин ва 440 тадан кўпроқ китоб дўконлари ишлаб турибди. Ҳозир ўз сафларида бир миллиондан кўпроқ кишини бирлаштириб турган республика китобхонлар жамиятининг 14 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида китобни фаол пропаганда қилиб оммалаштирмоқда. Бироқ мажлис қатнашчилари айтиб ўтишганидек, китоб савдосида, унинг материал ва техника базасини мустаҳкамлашда, аҳоли ўртасида китобни пропаганда қилишни ташкил этишда ҳали камчиликлар оз эмас. Республикада китоб савдоси тармоқларини ривожлантириш ҳозирча адабиёт босиб чиқариш суръатларининг ўсишидан ва меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларидан сезиларли орқада қолмоқда. Бу қолоқлик қишлоқ жойларда айниқса кўзга ташланади. Барча область марказларида ва катта-катта шаҳарларда китоб ўйлари барпо этилиши, ҳар бир қишлоқ посёлкасида китоб магазини бўлиши зарур, деб уқтирилади кенгашнинг тавсияларида. Китоб савдосини ташкил этишни изчиллик билан такомиллаштириш, китобхонларнинг адабиётга муттасил ортиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун республикада барча имкониятлар мавжуд.

Кенгаш мажлисида Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. У КПСС XXVI съезди талаблари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсиялари асосида меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини ошириш юзасидан республикада ҳал этилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ҲАР ТУПДА 6—8 КЎСАК

1-«ПИСКЕНТ» совхозининг 6-бўлимидаги Умарқул Қосимов бошлиқ бригада аъзолари 84 гектар ерининг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 55 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилишган. Ҳозир иккита чопиқ трактори куя бўйи ғўзаларга сифатли ишлов беряпти. Бригада механизаторлари Мусурмонқул Тўрақулов ва Карим Шоимовлар мусобақа асосида меҳнат қилиб, ҳар куни 8—10 гектардаги ниҳоллар тагини юмшатмоқдалар.

Ҳасан Бахтиёров ва Барат Маматов каби мришкор сувчилар учинчи сувни бошладилар. Натижада ғўзалар серҳосил бўлиб ўсмоқда. Ҳар тупда 6—8 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилинди.

Т. ЗОКИРОВ.

ҲАСАН Йўлдошев кўп йиллик тажрибага эга моҳир сувчидир. Ҳозирги кунларда у Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг 5-бригадаси пахтазорларига обҳаёт тараятпти. Бригада пахтакорлари бу йил ҳар гектар майдондан 55 центнердан «оқ олтин» хирмони уйишга аҳд қилганлар. Далаларда юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил тўплашда сувчининг ҳиссаси ҳам катта бўляпти.

А. Абалин фотоси.

АТОҚЛИ ДЕМОКРАТ ПЕДАГОГ

И. Н. УЛЬЯНОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ СЕССИЯ

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия демократик маданияти ва маорифининг таниқли арбоби, В. И. Ленининг отаси Илья Николаевич Ульянов халқ маорифини ва педагогик тафаккурни ривожлантиришда чуқур из қолдирди. Мамлакатимизда атоқли демократ педагог туғилган кунининг 150 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Шонли санага бағишланиб 23 июль куни Москвада илмий сессия бўлиб ўтди. Уни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти, СССР Маориф министрлиги ва В. И. Ленин марказий музейи ўтказди.

Сессияда сўзга чиққан Марксизм-ленинизм институти директорининг ўринбосари, академик А. Г. Егоров, СССР Маориф министрининг биринчи ўринбосари Ф. Г. Паначин, бошқа нотиқлар шуни уқтиришдиларки, И. Н. Ульянов ўзининг бутун педагогик ва ижтимоий-маърифатпарварлик фаолияти билан Россия халқларининг сиёсий онгини уйғотишга кўмақлашди. Самодержавиенинг зулмкорлиги вазиятида у меҳнат аҳлини илмли, маданиятли қилиш учун курашди, чинакам демократ сифатида майдонга чиқиб, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов, К. Д. Ушинский ғояларини тарғиб қилди ва ривожлантирди.

Илья Николаевич оилавий тарбия педагогикасига катта ҳисса қўшганлиги сессияда таъкидлаб ўтилди. Ульяновлар оиласи меҳнаткаш халқнинг машаққатли турмушини, ижтимоий-сиёсий воқеаларни яхши билар эди.

Илғор оила Коммунистик партиянинг бунёдкори ва йўлбошчиси, Совет давлатининг ташкилотчиси — В. И. Ленинни тарбиялаб вояга етказди. (ТАСС).

26 ИЮЛЬ — СССР ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

ДЕНГИЗ ЧЕГАРАЛАРИ ПОСБОНЛИГИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди қарорлари туфайли вужудга келган зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда ҳарбий денгизчилар бутун совет халқи билан бирга 26 июлда Ҳарбий Денгиз Флоти кунини нишонлайдилар. Ҳарбий Денгиз Флоти Бош қўмондонининг ўринбосари адмирал Л. М. Мизин денгизчиларнинг олдий иш кунлари тўғрисида ТАСС муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ҳарбий денгизчилар учун бу байрам жанговар шайликнинг, хизматдаги ва ўқишлаги муваффақиятларининг кўраги ўтказиладиган кун бўлди. Флот жангчилари кундалик жанговар меҳнатда эришилган натижалар тўғрисида халққа, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига рапорт бериб, ўз кучларини жанговар ва сиёсий тайёргарликда, социалистик мусобақада яна ҳам юксак кўрсаткичларга эришиш, улар олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун сафарбар этмоқдалар.

Кейинги вақтларда Америка империалистлари пекинлик гегемончилар билан аноқ-чаноқ бўлиб олиб Советларга қарши кампанияни авж олдириб юбордилар ва дунёни ўз кўлами жиҳатидан мислсиз янги қуролланиш пойгаси домига тортмоқдалар. «Ҳозир партиямиз, халқимиз учун, қолаверса, планеталари барча халқлар учун халқаро майдонда тинчликни сақлаб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ», — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида.

Шундай шароитларда Коммунистик партия, совет халқи Қуролли Кучлар ўзининг масъулиятли вазифасини бажариши — ўз халқи меҳнатининг посбони, ялпи тинчлик таянчи бўлиши учун барча зарур воситаларга эга бўлиши мақсадида мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга етарли эътибор бермоқдалар.

Бизнинг халқимиз қудратли океан флоти вужудга келтирилганлигини ҳақли равишда улуғ буюк меҳнат ғалабаларидан бири деб ҳисоблай олади. Ҳозир совет флоти турли вазифаларни бажарадиган атом сув ости кемаларига, ракета отадиган, сув ости кемаларига қарши курашадиган, миналардан тозалайдиган, десант туширадиган ҳамда замонавий қурол-яроғлар билан таъминланган сув устида сузувчи бошқа кемаларга эга. Ракета элтувчи ва кемаларга қарши курашувчи денгиз авиацияси катта жанговар имкониятларга эга. Денгиз пиёда аскарлари жанговар маҳоратларини такомиллаштирмоқдалар. Совет флоти қурол-яроғ ва жанговар техникани бошқариш учун радио электроника ва автоматиканинг зарур арсенали билан, алоқа ва навигациянинг ишончли воситалари билан таъминланган.

Коммунистик партияга, совет халқига астойдил содиқ бўлган кишилар флотнинг бош кучини ташкил этади. Бугунги кунда қўмондонларнинг, сиёсий ва инженер-техник ходимларнинг ҳаммаси зарур сиёсий ва махсус тайёргарликдан ўтган. Офицерлар составининг 90 проценти коммунистлар ва комсомоллардир. Мичманлар билан прапорщиклар мактабларда тайёргарликдан ўтмоқдалар. Флотга келаётган ёшларнинг кўпчилиги ўрта маълумотли бўлиб чақирилишдан олдин яхши тайёргарлик кўришган. Ҳозирги вақтда ҳар икки жангчининг бири жанговар ва сиёсий тайёргарлик алоқачиси, шахсий составнинг 90 процентдан кўпроғи классли мутахассислардир.

Командирлар, сиёсий ходимлар, партия ва комсомол ташкилотлари, барча ҳарбий денгизчилар КПСС XXVI съездининг қарорларини бажара бориб жанговар шайлик даражасини янада ошириш учун бутун кучларини сарфламоқдалар. Ҳарбий Денгиз Флотида шахсий составнинг «Юксак даражадаги жанговар шайлик ва қаттиқ ҳарбий тартиб учун» шиори остидаги социалистик мусобақаси кенг авж олиб кетди. Ранг капитани Г. Никитин қўмондонлик қилаётган ракета элтувчи атом сув ости кемасининг экипажи ана шу мусобақанинг ташаббускори бўлди. Шу кеманинг сув ости денгизчилари юксак мажбуриятларни муносиб равишда бажармоқдалар.

Олис сафарларда вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан флот орқа томонидаги ишларнинг аниқ-пухталигига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда флотнинг орқа томони — ҳар хил ишларни бажарувчи кўпдан-кўп хизмат бўлинмаларидан иборат мураккаб жанговар организм бўлиб, булар орасида ёрдамчи флот муносиб ўрнини эгаллайди. Бу флот составига «Борис Бутома» типидаги танкерлар, «Березин» типидаги таъминот кемалари, қутқариш, госпитал кемалари ва бошқа ҳар хил вазифаларни бажарувчи янги кемалар қўшилмоқда. Ана шу кемалар юкларни тўхтамасдан йўл-йўлакай бир кемадан иккинчи кемага ортиб берадиган замонавий воситалар, қутқарув ва медицина машинаускуналари билан таъминланган бўлиб, улар жаҳон океанининг исталган районида таъминот вазифаларини бажаришга қодир.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати шахсий составнинг турмуши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Турмушни ташкил этиш масалалари майда-чуйда ва иккинчи даражали ишлар эмас. Улар жанговар шайлик билан бевосита боғлиқ. Кейинги йилларда уй-жой ва маданий маиший объектлар қурилиши ҳажми ошди. Ўнлаб янги квартиралар, ошхоналар, клублар, поликлиникалар ва болалар боғчалари, магазинлар, кафелар ва матросларнинг чойхоналари, бошқа маиший объектлар барпо этилди.

Совет давлати флотга барча зарур моддий воситаларни ажратиб бермоқда. Улардан тежаб-тергаб, омилкорлик билан фойдаланиш ҳам командирлар, сиёсий органлар, партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ва бутун флот жамоатчилигининг муҳим вазифасидир.

Ҳамма жойда тежаб-тергаш режимини кучайтириш, социалистик мулкка тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ишлари олиб борилмоқда. Флотларнинг кўпгина қўшилмалари ва қисмлари ёқилғи энергетика ресурслари ва бошқа моддий бойликларни иқтисод қилиб қолиш учун мусобақалашмоқдалар. «Октябрская революция» крейсери, «Петропавловск» кемаси энг яхши кўрсаткичларга эришди.

КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган Совет ҳарбий денгизчилари мамлакатнинг денгиз чегаралари пухта ҳимоя қилиниши учун Коммунистик партия билан совет халқи олдидаги масъулиятини чуқур англайдилар. Улар ҳамиша хушёр бўлиб, ўзларининг бутун куч ва билимларини севикли Ватанимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга бағишлашга шай бўлиб турибдилар.

ҚУШ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОЛТИҚ ФЛОТИ. Болтиқ денгизчилари ўзларининг анъанавий байрамларини ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Улар революцион ва жанговар анъаналарга содиқ бўлиб совет халқининг тинч меҳнатини хушёр туриб қўриқламоқдалар. Суратда: «Октябрь революцияси» крейсерининг илғор ҳарбий денгизчилари.

Н. Акимов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДА

ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

Район партия ташкилотларида шу кунларда масъулиятли давр — ҳисобот ва сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Партия группалари ташкилотчилари ва цех партия ташкилотларн секретарлари учун ўтказилган семинар машғулоти ҳам шу масалага бағишланди.

Семинарда партия ташкилотчилари ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги докладни тинглидилар. «Миконд» заводи марказий лабораторияси партия группасининг ташкилотчиси Б. Гуломов, «Жилстрой» трести 3-йирик панелли уйсозлик заводи ремонт-механика устаханалари партия группаси ташкилотчиси А. Демидов, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети СССР тарихи кафедраси партия группаси ташкилотчиси М. Бобожоновалар ҳисобот ва сайловйиғилишларига тайёргарлик ва ўтказишда тўплаган тажрибалари тўғрисида гапириб бердилар.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Район партия ташкилотида сайлаб қўйилган активга раҳбарлик қилиш соҳасида муайян тажриба тўпланган. Яқинда бўлиб ўтган илмий-амалий конференция қатнашчилари шу соҳада ўзаро фикр алмашиб олдилар.

Конференцияда район партия комитетининг иккинчи секретари В. И. Мурашов асосий доклад қилди. Қўшимча докладчилар — «Геологоразведка» заводи директори В. Фрошгайзер, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари В. Бухмастов, Тошкент чинни заводи рассоми Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Д. Орифжонова ва бошқалар ўз коллективларида сайлаб қўйилган актив олиб бораётган ишлар тўғрисида гапириб бердилар, бу борадаги тажрибаларини уртоқлашдилар.

МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ

Пойтахтимизнинг Киров ва Собир Раҳимов районлари бир неча йилдан бери социалистик мусобақада ўзаро беллашиб келмоқда. Икки район меҳнаткашларининг мусобақасида янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари туғиляпти. Яқинда бўлиб ўтган мазкур районлар меҳнаткашлари йиғилишида ўн биринчи беш йиллигининг дастлабки йилининг олти ойлик иш якунлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда ҳар икки район саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалари КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришда шаҳар меҳнаткашлари қўлга киритаётган ютуқларга ўз ҳиссаларини қўшаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Ярим йиллик якунлар бўйича Киров райони коллективларя социалистик мусобақа голиби деб топилдилар.

ТАЛАБА УСТОЗ ҲАҚИДА

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Эшик очилиб хонага баланд бўйли, қорачадан келган йигит кириб келди.

— Келинг Рўзимбек. Ишлар қалай, — Абдусафий Йўлчибоев йигитни илиқ қарши олди.

— Мана буларни бир кўрсангиз деб, — тортинибгина полимерли шиша узатди у.

— Яхши чиқибди. Баракалла. Мономер олаётган қизлардан ҳам хабар олдингизми?

— Ҳа, домла. Улар фреонни янги қўйишибди. Ҳамид уларга кўз-қулоқ бўлиб турибди.

— Ёддан чиқарманглар, — домла шогирдининг нафтини қоқиб туриб гапира бошлади: — Мономер қанча тез ва сифатли олинса, сиз олаётган полимерлар ҳам шунча яхши бўлади. Майли, бориб ишинг давом эттиринг.

Рўзимбек кабинетдан чиқди. Абдусафий ака уни кузатаркан, «илмга ихлос қўйган бола. Тарбияласа яхшигина олим чиқиши мумкин» деб ўйлади. Рўзимбекнинг тиниб-тинчмаслиги Абдусафий аканинг ёшлигини эслатади. 1955 йил химия факультетини тамомлаган Йўлчибоевни ҳам худди Рўзимбекка ўхшаб кафедрада олиб қолишган эди. У устози, таниқли кимёгар Ҳамдам Усмонов бошчилик қилаётган кафедрада пахта навини яхшилаш устида иш олиб бора бошлади. Тиниб-тинчмаслик, изланиш доимий мутолаалар самараси тез кунда кўринди. Абдусафийнинг «Пахта целлюлозасининг молекуляр зичлиги» номли биринчи илмий мақоласи матбуот орқали олимлар ҳукмига ҳавола этилди. Биринчи муваффақият ёш илм ихлосмандига қанот бағишлади. Кўпроқ ўқишга, ўрганишга, тажрибалар ўтказиб, ўз устида ишлашга ҳаракат қилди. 1962 йилдан дорилфунунда катта ўқитувчи бўлиб ишлаш билан бирга «Пахта толаси молекуляр жойланиш зичлигини текшириш» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ёқлади. Орадан етти йил ўтгач, олим ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. «Винилфторид асосида олинган полимерлар» мавзусидаги докторлик диссертацияси илмий кенгаш томонидан юксак баҳоланди. Абдусафий Йўлчибоевга профессор унвони берилди.

1978 йили Бутуниттифоқ химиклар симпозиуми бўлиб ўтди. Тошкент Давлат университети химия факультетига ташриф буюрган симпозиумнинг чет эллик меҳмонларидан бири А. Йўлчибоевнинг илмий ишлари билан қизиқиб қолди. Таржимон инглиз олимининг мудроосини Абдусафий акага тушунтириб, ундан кафедрада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни сўради.

Шунда ўзбек кимёгари ўз она тилида гапираётганден инглиз тилида равон, дадил сўзлай кетди. Унинг чет тилида бундай эркин гапира олишига ҳатто инглиз меҳмонининг ҳам ҳаваси келди.

— Олим учун чет тилини яхши билиш жуда зарур, — дейди Абдусафий Йўлчибоев. Фан-техника дунё миқёсида ривожланади. Чет эллик ҳамкасбларнинг илмий ишларини ҳам мунтазам ўқиб бориш, фан янгиликларидан хабардор бўлиб туриш илм ихлосмандини олдинга етаклайди, тафаккурини кенгайтиради.

Ҳозирги кунларда полимерлардан ишланган буюмларга талаб ва эҳтиёж ортиб бормоқда. А. Йўлчибоев раҳбарлик қилаётган кафедра олимлари ўтга чидамли, химиявий бардошга эга бўлган фторли полимер олишга муваффақ бўлдилар. Бу полимер яқинда Навоий шаҳрида қурилаётган химия заводида ишлаб чиқарила бошлайди. Бу янгилик партия XXVI съездида кўрсатиб ўтилган «Илм-фанни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш — ҳозирги даврнинг қатъий талабидир» деган сўзларга амалий жавобдир.

Шогирдсиз устани мевасиз дарахтга ўхшатишади. Шу жиҳатдан олганда Абдусафий ака анчагина баракали иш қилди. У ўзининг йигирма олти йиллик меҳнат фаолиятида 28 фан кандидати, бир фан докторини камолга етказди. Олимнинг жуда кўп шогирдлари шу кунда Нукус, Ургенч, Фарғона педагогика институтларида ҳамда илмий-текшириш институтларида ёшларга билим беришмоқда.

Профессор оиласида ҳам ўз изидошларини яратди. Унинг рафиқаси Севара Йўлчибоева химия фанлари кандидати, доцент. Ўғли Баҳодир бўлажак химик. Қизи Нилуфар мактабда ўқувчи. Аммо у ҳам ота касбини улуғлаш ниятида.

Педагог ўзининг кўп йиллик тажрибаларига суяниб «Квайт химиядан қўлланма» деган янги китоб ёзди.

Олимимиз яратган янгиликлар, ёзган қўлланмалар салмоқли. Улар серфайз умрдан дарак бериб турибди. Биз бу заҳматкаш илм фидойисига ҳаётингиз бундан ҳам маэмуллироқ бўлсин, илмингиз эл учун хизмат қилаверсин дейимиз.

Б. АКБАРОВ,
ТошДУ студенти.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТЎЛА ЯКДИЛЛИК

ПРАГА, 23 июль. (ТАСС). Чехословакиянинг барча марказий газеталари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР президенти Г. Гусак билан Қримда учрашганлиги тўғрисидаги хабарни бугун «Тўла якдиллик», «Саммий вазиятда», «Ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлайлик» сарлавҳалари остида биринчи саҳифаларида босиб чиқарди. Матбуот иккала партия ва давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик ва ҳозирги халқаро аҳволга доир масалалар юзасидан фикрларининг тўла бирлигини таъкидлаганликларини уқтиради.

Л. И. Брежнев билан Г. Гусак ўртоқлар, деб таъкидлайди ЧКП Марказий Комитетининг органи «Руде право» газетаси, кўпгина халқаро проблемаларни сидқидиллик вазиятида муҳокама қилдилар ва Европадаги ишларга алоҳида эътибор бердилар.

«Праце» газетасининг қайд этишича, иккала партия ва мамлакат раҳбарлари қардош социалистик давлатларнинг баҳамжиҳат ҳаракатини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, уларнинг бирлиги ва жипслиги ҳар бир социалистик мамлакат ва умуман социалистик ҳамдўстлик олга томон шитоб билан дадил ҳаракат қилишининг мустаҳкам гарантияси эканлигига комил ишонч билдирдилар.

Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда, деб таъкидлайди «Свободне слово» газетаси, АҚШ ва НАТОнинг Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда Американинг янги ракета ядро воситаларини жойлаштириш режалари катта хавф туғдирмоқда. Л. И. Брежнев билан Г. Гусак ўртоқлар бошқа бир истиқбол — ядро қуролларини тарк этиш ва жумладан Европада ядро қуролларини чеклашга доир музокаралар ўтказиш истиқболи борлигини уқтирдилар.

АҚШ. Шу ой бошларида Вашингтонда милитаризмга, ҳарбий бюджетнинг ҳаддан ташқари ошиб кетаётганлиги, АҚШнинг бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашуви кучаётганлигига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Суратда: намойиш қатнашчиларидан бири қамоққа олинмоқда.

АП—ТАСС телефотоси.

ЛЕЙБОРИСТЛАР ПОЗИЦИЯСИ

ЛОНДОН, 23 июль. (ТАСС). Буюк Британия лейбористлар партияси миллий Ижроия Комитети маъқуллаган программавий ҳужжат лойиҳасида партиянинг мудофаа соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган. Бу ҳужжатда кенг кўламдаги милитаристик тайёргарликлар, Англиянинг Пентагон стратегларига бўйсундирилганлиги муносабати билан партиянинг оддий аъзолари, инглиз касаба союзларининг кўп миллионли армияси ўртасида ташвиш кучайиб кетганлиги ўз ифодасини топди.

Ҳужжатда уқтириладики, лейбористлар партияси Американинг қанотли ракеталари ва нейтрон бомбалари ишлаб чиқарилишига ҳамда улар Англия тупроғида жойлаштирилишига қатъиян қарши чиқади. Англияда лейбористлар ҳукумати ҳокимият тепасига келган тақдирда, дейилади сўнгра ҳужжатда, бу ҳукумат Американинг шу қуроли мамлакат территориясида жойлаштирилишини тақиқлаб қўяди.

Лейбористлар консерваторларнинг мамлакат атом сув ости флотини Американинг «Трайдент» ядро ракеталари билан қайта қуроллантириш режаларига ҳам зарба бердилар. М. Тэтчер ҳукумати ана шу мақсадлар учун 5 миллиард фунт стерлингдан кўпроқ маблағ сарфлаш ниятидадир. «Лейбористлар партияси мамлакат атом сув ости кемасининг «Трайдент» ядро ракеталари ёки бошқа бирон-бир системалар билан қайта қуроллантирилишини қатъий рад этади», деб такидланади программавий ҳужжатда.

Лейбористлар партияси Англияни Қўшма Штатларнинг Ғарбий Европадаги бош ҳарбий базасига айлантиришдан иборат шармандали ва тинчлик иши учун хатарли ўринишлари тўхтатилишини талаб қилаётган миллионлаб инглизларнинг орзу-умидларини ифода этиб, мамлакатни Пентагоннинг Буюк Британиядаги кўпдан-кўп «қалъаларидан ҳалос қилиш ниятидадир. Бу мажбурият партиянинг сайловолди манифестига киритилади.

МАНЕВРЛАРДА ҚАТНАШИШДАН БОШ ТОРТДИ

ОСЛО, 23 июль. (ТАСС муҳбири). Норвегия «Оушн Венчер-81» деган ном билан ўтказиладиган катта ҳарбий-денгиз машқларида қатнашишдан воз кечганлигини маълум қилди. Бу машқларни АҚШ ҳамда Ғарб ва Жанубий Американинг 13 мамлакати 1 августдан бошлаб Атлантика океанида ўтказиш ниятидадир. Норвегия телеграф бюроси бу машқлар бутун урушдан кейинги даврда энг каттаси бўлади, деб таъкидлайди. Машқларда 120 минг солдат, 250 та кема ва мингтадан кўп самолёт қатнашади. Норвегия томони, деди мудофаа министри Т. Стольтенберг, НАТО блокининг ҳарбий ва сиёсий ҳаракат зонаси кенгайтирилишига қарши. «Биз шу машқларда қатнашмаймиз дедик, — деди у «Афтенпостен» газетаси муҳбири билан қилган суҳбатида, чунки бу машқлар НАТО блоки таъсир зонасидан ташқаридаги географик районларни ўз ичига олади».

Министр НАТО блоки мамлакатлари машқларда Жанубий Американинг бир қанча мамлакатлари билан бирга қатнашишларидан норозилигини ҳам айтди.

В. МИНКЕВИЧ.

АГРЕССИЯ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

БАЙРУТ, 23 июль. (ТАСС). Исроил Ливан территориясини қаттиқ бомбардимон қилиб ва тўпга тутиб, ана шу суверен мамлакатга қарши кенг кўламда агрессия бошлашга ҳозирлик кўрмоқда. Жумладан, Исроил мудофаа министрининг ўринбосари Зиппорининг гаплари буни тасдиқлайди. Зиппори кеча фаластинликларнинг Ливандан чиқариб юборилишини қатъий талаб этди ва Исроилнинг қуруқликдаги кучлари бу мамлакат территориясига кенг миқёсда бостириб киради, деб тахдид қилди.

Ливандаги БМТ муваққат кучлари расмий вакилининг хабар беришича, Ливан сепаратчиларининг Маржаюн ва Кфаркел районларидаги зонасига Исроил қўшинлари, танклари ва артиллерияси жадаллик билан тўпланаётганлиги сезилиб турибди.

Исроилликлар ўтган кечаси Фаластин қочоқларининг Тир шаҳри яқинида жойлашган лагерини денгиздан тўпга тутдилар ва Набатия шимолидаги Қонтар ва Хумайн Ат-тахт аҳоли пунктларига десант туширишга урониб кўрдилар. Фаластин қаршилик ҳаракати бўлинмалари уларнинг ана шу уринишларига зарба бердилар. Бу бўлинмалар боскинчиларни чекинишга мажбур этдилар.

Исроил авиацияси кеча тушдан кейин Ливаннинг аҳоли пунктлари ва объектларига уч марта ҳужум қилди. Захранидаги нефть тозалаш заводи ёниб кетди, неча ўнлаб уй-жой, корхона, муассасаларга зарар етказилди.

Кфар-Мешки, Бани-Сафа, Машгара, фаластинликларнинг Рашидия ва Рас Ал-Айн лагерлари, шунингдек Тир шаҳри билан Бекаа водийси жанубидаги районлар тўпга тутилди.

ХИМИЯВИЙ ҚУРОЛ ИШЛАТМОҚДАЛАР

САНХОСЕ, 23 июль. (ТАСС). Сальвадорлик қочоқлардан олинган хабарларга кўра, ҳунтанинг ҳарбий ҳаво кучлари Сальвадорнинг шимолий ва ғарбий районларида партизанларга қарши жазо операцияларида Америкада ишлаб чиқарилган заҳарли гази бўлган бомбалардан фойдаланмоқда. Ўтган шанба ва якшанба кунлари Лос Филос, Лос Аматес, Охо Де Агуа, Потонико аҳоли пунктлари, шунингдек Чалатенанго департаментидаги «Серро Гранде» ва «Синко-Де-Новьембре» гидроэлектростанцияларнинг атрофлари вахшиёна бомбардимон қилинди.

Шу муносабат билан сиёсий кузатувчилар таъкидламоқдаларки, АҚШнинг ҳунтага химиявий қурол бериши биринчи марта бўлаётгани йўқ. Пентагон шу қуролни жиноткорона ишга солганлигини, жумладан, Америка империализмининг Вьетнам халкига қарши агрессияси чоғида «қизғин реактив» деб аталмиш қуролни ишга солганлигини бутун дунё эсидан чиқармаган.

Афғонистондаги босмачилар кўлидан ҳам Америкада ишлаб чиқарилган химиявий граналар тортиб олинган эди. Халқаро шартномаларга мувофиқ тақиқланган бу ялпи қирғин қуролидан босмачилар Кобулнинг бир қанча маҳаллаларида ва лицейларида қоинона фойдаланган, афғон болаларидан 250 дан ортиқ киши ундан заҳарланиб ўлган эди.

ХИТОЙДА КУЧЛИ ТОШҚИН

ПЕКИН, 23 июль. (ТАСС). Хитойда қаттиқ жала ёғиши сабабли бошланган тошқинлар хатарли тус олди. Ўнлаб шаҳарларни, миналаб қишлоқларни сув босди, кўпгина саноат корхоналари, темир йўл ва тош йўллар, электр линиялари вайрон бўлди. Юз мингдаб гектар қишлоқ хўжалик экинзорлари сув остида қолди.

Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, Хитойнинг жанубий-ғарбида, Сичуань вилоятида кейинги бир неча ўн йиллар мобайнидаги энг кучли тошқин бўлди. Бу ерда ўтган қаттиқ жалядан кейин тоғлардан кучли сел оқиб туша бошлади, Янцзи дарёсининг юқори оқимида ва унинг ирмоқларида сув сатҳи шу қадар юқори кўтарилдики, 1949 йилдан буён бу ҳол кўрилмаган эди. Уч кун ичида вилоят территориясининг катта қисмида 200 миллиметрдан кўпроқ, баъзи районларда эса 470 миллиметрга қадар ёғингарчилик бўлди.

Кўп дарёлар тошиб кетди. 25 уезднинг территориясини 1 метрдан 5 метргача қалинликдаги сув босди. Шаҳар ва қишлоқлардаги кўплаб уйлар вайрон бўлди. 10 мингдан зиёд ҳарбий хизматчи иштирокида қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Хитой матбуотининг хабарларига кўра, Цзиньтан уездининг бир ўзидагина 200—300 минг кишининг ҳаёти хавф остида қолди. Сичуань вилоятининг бош шаҳри Чэндуда 270 та саноат корхонасидан 220 таси батамом ёки қисман сув остида қолган.

Жанубий Хитойда, Гуанси Чжуан автоном районида ҳам кучли тошқинлар бўлди. Бу ерда бир неча кун ичида 200 миллиметрдан 700 миллиметрга қадар ёмғир ёғди. Тошқинлар Шимолий Хитойнинг Хэйлунцзян вилоятига ҳам ёйилди, бу вилоятнинг баъзи уездларида икки соат ичида 110 миллиметрдан кўпроқ ёмғир ёғди.

ЛОНДОН, 23 июль. (ТАСС). Жуда кучли тошқинга дучор бўлган Сичуань вилоятининг аҳолиси очарчилик хавфи остида қолди, деб ёзади Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси. Минглаб кишилар ҳалок бўлганлигини, юз мингларб кишилар бошпанасиз қолганлигини айтиш мумкин, дейди газета.

ЭРТАГА—САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

ДАВР, ЭҲТИЁЖ, ХИЗМАТ

Ҳар байрамни янги ютуқлар, шунингдек савдо хизмати маданиятини янада юксалтирган ҳолда кутиб олиш кўпчилик қатори область давлат савдоси ходимлари учун ҳам анъанага айланиб қолган. Ўтган бир йил ичида катор ўзгаришлар юз берди. Янги микрорайонларда кенг ва ёруғ магазинлар фойдаланишга топширилди. Харидорлар учун кўпгина қулайликлар яратилди. Бир неча магазинлар ҳозирги кун талабига мослаштирилиб реконструкция қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездига Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот докладида айтилган қуйидаги сўзлар ҳамон ҳар биримизнинг қалбимизда: «Магазин, ошхона... — бу ерларда одамлар ҳар куни бўлишади. Улар нима харид қилишлари мумкин? Уларни қандай кутиб олишади? Улар билан қандай муомалада бўлишади? Улар ҳар хил рўзғор ташвишларига қанча вақтларини сарфлашяпти? Одамлар бизнинг ишимиз ҳақида кўпроқ ана шу масалалар қай даражада ҳал этилаётганига қараб фикр юритишади».

Биз бутун диққат-эътиборимизни аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга, эҳтиёж ва талабларини амалга оширишга, самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиб беришга қаратмоқдамиз.

Область шаҳарларидаги савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналарининг коллективлари топшириқларни зиёдаси билан адо этмоқдалар. Область савдо бошқармаси ярим йилликда плондан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилишга муваффақ бўлди. Чирчиқ, Янгийўл шаҳар савдо ташкилотлари, Ангрен, Бекобод ва Янгийўл шаҳарлари умумий овқатланиш трестлари, Чирчиқ ГЭС қурилишлари ишчи таъминоти бўлими коллективлари ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври ичида юқори кўрсаткичларга эришдилар. Шуни таъкидлаб айтиш керакки, аҳоли эҳтиёжини ўрганишга эътибор берилса, план ва топшириқлар ҳам узлуксиз ошма-ош ошириб бажариб борилаверади. Озиқ-овқат, саноат молларининг маълум хил ва ассортименти бир зонада тўпланиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Магазин мудирлари вақти-вақти билан бу ҳақда ҳисобот берадилар. Масалан, ўтган олти ой ичида 400 минг сўмлик пойабзал, трикотаж буюмлари, тайёр кийимлар, идиш-товоқ ва бошқа хил моллар тўпланиб қолган савдо ташкилотидан бошқа магазинларга ўтказилди, бу билан товар оборороти тезлашди, харидорларнинг ана шу нарсаларга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Аҳоли талаб ва эҳтиёжини ўрганишнинг энг яхши усулларидан бири харидорлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, фикрларини ўрганиб боришдан иборат. Шу йилнинг ўтган даври ичида 18 марта кўргазма, 22 марта харидорлар конференцияси, 15 марта аҳоли таклифларини ўрганиш бўйича турли тадбир ўтказилди.

Савдо ходимларининг энг муҳим вазифаларидан бири шундай тадбирларни мунтазам ўтказиш ва халқнинг бидираётган истакларини тезликда амалга ошириб боришдан иборат бўлмоғи керак. Биз суҳбатларда кишиларнинг вақтини тежашга алоҳида эътибор бериш ҳақида таклифларни кўп эшитамиз. Кўпинча корхоналар, қурилишлар, турли муассасаларда савдо ташкил этишни таклиф қилишади. Бунда биринчидан ишчи-хизматчи, ходимнинг вақти тежалади, иккинчидан камёб моллар ҳақиқий эгаларининг қўлига бориб тегади. Шубҳасиз, бундай тадбирларни ўтказишдан олдин тегишли органлар билан келишилади, у ёки бу ташкилотдаги коллективнинг сонига қараб саноат ва озиқ-овқат моллари ажратилади.

Ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан бири савдо шохобчаларини ихтисослаштириб боришдир. Областимиз шаҳарларида 211 та ихтисослашган магазин мавжуд. Савдо корхоналари фан-техника ютуқлари билан қуроллантириб боилмоқда. Ҳозир жойларда 14 минг 574 бирликдаги музхона—савдо—технологик ва транспорт ускуналари ишлаб турипти.

Кўл кучини талаб қилувчи иш жараёнлари механизациялаштирилянти, меҳнат шароити узлуксиз яхшилаб борилмоқда.

Шубҳасиз бу ишларни бажаришда савдо ходимлари билан бирга бошқармамиз аппарати хизматчилари ҳам актив иштирок этмоқдалар.

Якинда бир группа илғорларга СССР Олий Совети Президиумининг орден ва медаллари берилди. Шу жумладан область Давлат савдоси ходимларидан 26 киши мукофотланишди. Янгийўл шаҳридаги 19-магазин ходими Мухаррам Ризаева Ленин ордени, Чирчиқ шаҳар умумий овқатланиш трести ходими В. Михайлусова «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотландилар. Кўпгина савдо ходимлари улардан ўрнак олиб, самарали меҳнат қилмоқдалар. Холида Ашурова, Ҳалима Умарова, Рахим Ёрматов, Тошмат Турсунқулов, Абдуқаҳҳор Нишонбоев каби илғор ходимлар савдо хизмати маданиятини оширишда бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Область савдо ташкилотлари коллективлари аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, савдо-сотиқ ишларини тинмай такомиллаштириш, халқ эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун курашмоқдалар. Биз уларнинг ана шу шарафли ишларига янги зафарлар тилаймиз.

О. ЮСУПОВА,

область савдо бошқармасининг бошлиғи.

ПЕШҚАДАМЛАР

БИЗ савдо шохобчаларида социалистик мусобақанинг оммавийлиги ва ошкоралигига катта аҳамият бермоқдамиз. Мусобақага ҳар ой оператив якун ясаб, эришилган илғор тажрибаларни оммаонинг мулкига айлантиришга интилаяпмиз. Шунинг учун ҳам кўпгина магазинларда ойлик топшириқлар знёдаси билан адо этилаяпти. «Олмалиқ» универмаги, 2-, 18-, 25-, 35-магазин коллективлари пешқадамликни қўлдан бермаяпти.

Р. АЗИЗОВ.

Олмалиқ кон металлургия комбинати ишчилар таъминоти бошқармасининг бошлиғи.

НАЗАРБЕКДА ҚУШХОНА

Назарбекда область матлубот жамиятига қарашли қушхона фойдаланишга топширилди. Янги корхона ҳар ой 18—20 тонна маҳсулот етказиб берали. Ишлаб чиқарилаётган гўшт маҳсулотлари асосан ярим ва қатиқ дулланган ҳолдадир.

Республикамизда биринчи марта дулланган товуқ ҳам шу ерда тайёрлана бошланди. Янги қушхонада бир йилда икки миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаб айтиш керакки, янги корхона область матлубот жамияти ёрдамчи хўжаликларида боқилган мол, қўй ва паррандa гўшти ҳисобига ишлайди.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

27 ИЮЛЬ— 2 АВГУСТ

ДУШАНБА

27 ИЮЛ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Телевизион бадиий фильм. 12.35 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильм. 16.30—Оналар мактаби. 17.00 — Қадрдон ўлка оҳанглари. 17.30 — Ёшлар адреслари. 18.30 — Севги ҳақида монологлар. 18.55 — КПСС XXVI съезди қарорлари—ҳаётга! 19.25 — Университада кундалиги. 19.40 — Спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Бутун жаҳон студентлар ўйинларида. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Спорт программаси. 23.25— Концерт.

ЎзТВ-I

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05—Янгиз, пионер ёзи. 18.35—Абитуриентга. 19.05 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45— Хайкалтарошлик ҳақида. 20.10 — Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистон Тюмень ўлкасига. 22.35 — Бадиий фильм. 23.40 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.50—Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — Бадиий фильм.

СЕШАНБА

28 ИЮЛ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.30 — А. Аданнинг «Жизель» балети. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.15 — Болалар учун фильм. 17.20 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 17.35 — Илмий-оммабоп фильм. 17.55 — Концерт. 18.15 — Асли болаликдан. 19.00 — Университада кундалиги. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Шарипова куйлайди. 20.05 — Капитал мамлакатларида ишсизлик ҳақида. 20.20 — Синдикат-2. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30— Время. 22.05 — СССР халқ артисти В. Норейка концерти. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Концертнинг давоми.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Болалар учун фильм-концерт. 12.20 — Муҳаббатнома. Бадиий фильм. 1-серия. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Камалак. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Е. Ҳатамова ва Р. Холбеков концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистон ёшларининг спорт мерваларн. 22.20 — Озуқа ишлаб чиқариш резервлари. 22.40 — Муҳаббатнома. Бадиий фильм, 2-серия. 23.50 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Ок флюгер. Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — Қизиқувчилар экрани. 20.55 — Бадиий фильм.

ЧОРШАНБА

29 ИЮЛ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Сизга мансур шеърлар. 10.35 — Оддий кун ташвишлари. Бадиий фильм. 11.50 — Москва камер хори ижро этади. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телевизион ҳужжатли фильм. 16.00 — Рус тили. 16.30 — Қўшиқларимиз парвоз эт. 17.30 — Шахмат мактаби. 18.00 — Концерт. 18.30 — Горничилар, кечаси! 19.00 — Университада кундалиги. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Муаммолар, изланишлар, ечимлар. 21.00 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Ёшлар кечасининг давоми.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 12.10 — Муҳаббатнома. Бадиий фильм. 2-серия. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.40 — Китоб — бизнинг дўстимиз. 19.15 — КПСС XXVI съезди қарорлари—ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Юмор» телевизион театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Гўзал Елена. Спектакль. 23.00 — Халқаро аҳвол кундалиги. 00.20 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

16.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 19.40 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — Женя, Женечка ва «Катюша». Бадиий фильм.

ПАЙШАНБА

30 ИЮЛ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.15 — Синдикат-2. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.20 — Кинасаҳатчилар клуби. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.05 — Болалар учун фильм. 17.15 — Концерт. 17.40 — Кучлилар, довюраклар, эпчиллар. 18.25— Инсон ва қонун. 19.00 — Университада кундалиги. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Фан оламида. 20.05—Халқ оҳанглари. 20.20 — Синдикат-2. Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — 1981 йил қушиқлари. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — 1981 — йил қушиқлари кўрсатувининг давоми.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Санъат ғўнчалари. 12.00 — Ҳужжатли кино экрани. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Юлдузча. 19.10 — Буюк қалб эгаси. И. Н. Ульянов туғилган кунининг 150 йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ишчанлик руҳидаги даврда. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ноно мадҳияси. Адабий кўрсатув. 22.35 — Она қалби. Бадиий фильм. 00.15 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40—Б. Каверин. Мактаб спектакли. 20.05 — Янгиликлар. 20.30 — Фильм-концерт.

Ж У М А

31 ИЮЛ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.15 — Синдикат-2. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.20 — Хайвонот оламида. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Ҳунер-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 16.40 — Москва ва москваликлар. 17.10 — Халқ талантлари. 17.55 — К. Тренев. Любовь Яровая. 18.45 — Фильм-концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Илья Николаевич Ульянов туғилган кунининг 150 йиллигига. 20.00 — Халқаро конкурслар лауреати С. Иголинский чалади. 20.20 — Синдикат-2. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05—Ҳужжатли фильмлар. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Лўлилар қўшиқлари ва рақслари.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Бойчечак. 12.00 — Я. Худойқулов. «Гулномая». Мажидий номли Каттақўрғон драма театрининг спектакли. 13.40 — Она қалби. Бадиий фильм. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.30 — Илья Николаевич Ульянов туғилган кунининг 150 йиллигига. 19.00 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Шарипова куйлайди. 20.05 — Капитал мамлакатларида ишсизлик ҳақида. 20.20 — Синдикат-2. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30— Время. 22.05 — СССР халқ артисти В. Норейка концерти. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Концертнинг давоми.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Болалар учун фильм-концерт. 12.20 — Муҳаббатнома. Бадиий фильм. 1-серия. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Камалак. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Шарипова куйлайди. 20.05 — Капитал мамлакатларида ишсизлик ҳақида. 20.20 — Синдикат-2. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30— Время. 22.05 — СССР халқ артисти В. Норейка концерти. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Концертнинг давоми.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Бойчечак. 12.00 — Я. Худойқулов. «Гулномая». Мажидий номли Каттақўрғон драма театрининг спектакли. 13.40 — Она қалби. Бадиий фильм

ОНА КИЙИК

Тоғдан қайтаётган эдик. Нўлимиз эгри-бугри. Тез юриш ниҳоятда хавфли. Шофёр «Вилис» тормозини қўйиб юбормай секин ҳайдаб келмоқда. Чап томон — жарлик. Пастда тоғдан тушаётган сувнинг тошлардан-тошларга урилиб шарақираши қулоққа чалиниб кўнгилга ором бахш этади. Ўнг томонда — қуюқ ўрмон. Шу пайт шофёр тормозни жон-жаҳди билан босиб машинани тўхатди.

— Нима гап? — шофёрга юзландим.

— Қаранг!— йўлга ишора қилди шофёр. Қарадимму, лол бўлиб қолдим. Шоҳдор бир кийик шундоққина машина билан рўбарў турарди. Шофёр сигнал берди. Шунда ҳам у ҳайиқмас, машина яқинроқ борса-да, парво ҳам қилмай биз томонга қараб турарди. Тағин устма-уст сигнал берилди. Мен эшикни қия очиб, гўё кийик гапимни тушунадигандек «қоч» деб бақирдим. У эса миқ этмасди.

— Оёғи майиб бўлганмикан? — дедим шофёрга қараб.

Шофёр кабина эшигини очиб пастга тушди. Мен ҳам унга эргашдим. Шундагина кийик йўлни бўшатиб ўрмонга йўналди. Шофёр ҳайратланиб елкасини қисиб қўйди-ю, яна рулга ўтирди. Мен ҳам кабинага йўналган эдим, кийикнинг яна қайтиб келаётганини кўрдим. Машина кетиб қолмасин дегандай у отилиб бояги жойига келиб олди.

— Овчининг тузоғига илиниб қолибди-да, жонивор!

Шофёр иккимиз кийик боласини тузоқдан бўшатиш учун анча уриндик. Она кийик эса бизларнинг шундоққина ёнимизда юз йиллик қадрдонлар каби нафаси — нафасимизга теккундай турар эди. Кийикчани бир амаллаб тузоқдан чиқардик. Уни эркалаб устбошини силарканман, кийикчанинг қоп-қора мунчоқдай кўзларини кўрдим. «Ёзувчилар бекорга оху кўз деб таърифламайдилар» деган ўй хаёлимдан ўтди. Жонивор нинг тип-тиниқ ва сехрли кўзларида ёш ҳалқаланди. Назаримда, бу — севинч ёшлари эди.

Шофёр ҳам, мен ҳам бу воқеадан беҳад ҳайратланиб ортимизга қайтдик. Машинага ўтириб яна йўлга тушдик. Кўп ҳам юрмаган эдик, машина ойнасидан кўзим яна боягги кийикларга тушди. Бир ёнида ота кийик ҳам бор эди. Ўрталарида эса боя биз тузоқдан қутқарган кийикча. Уччови баб-баробар биз томонга тикилишиб турарди.

— Улар гўё раҳмат айтишаётган эди...

ТУЛҚИН.

ШИНГИЛ ҲИКОЯ

— Нега бундай қилянти? — сўради шофёр жаҳл билан устма-уст сигнал беріб.

— Бу ерда бир гап борга ўхшайди, — дедим-у, машинадан тушдим. Кийик яна ўрмонга йўналди.

Икков кийик ортидан йўлга тушдик. У ҳам бизларга қарай-қарай «тезроқ юринглар» деган каби йўл бошлар эди. Чамаси ярим километрлар юрдик. Она кийик йўғон, тарвақайлаб ўсган арча дарахти остида тўхтади. Шофёр ва мен яқинроқ борсак, не кўз билан кўрайликки, жажжигина бир кийикча тузоқда питирлаб ётарди.

— Вой! — деб юборди шофёр. — Кийик боласи-ку!..

МЕҲРСИЗЛАР

Бошига анчагина уринган юққагина рўмол ташлаб олган кампир қўш табақали дарвозадан кўчага ҳатлади. Ўн қадам ҳам юрмасдан ўрта бўйли, ёшгина, барваста йигитни кўриб тараддудланиб қолди. Қўлларини соябон қилиб хира кўзларини унга тикди.

— Ўғлим...

Йигит олдинга бир-икки қадам қўйди-ю, шартта ўгирилиб ҳозиргина она чиқиб келган дарвозадан четроқдаги бошқа ҳовлига кириб кетди. Кампир кўча юзида бир зум қаққайиб қолди. Томонига бир нарса тиқилгандек «қилт» этиб ютинди, бўшашиб кетди. Охиста пичирлади: «Менинг айбим нима?..». Узоқ умр ато қилгунча, аҳил, одобли фарзандлардан бўюрсин экан.

Ё у кексалик панд бериб, ҳалиги йигитни ўғлига ўхшатдими? Ёки йигит онасини пайқамай қолдими?.. Йўқ, униси ҳам, буниси ҳам эмас. Отамурод онасининг девордармиёни, опаси Нуриникида яшаётганидан хабардор.

..Бешафқат уруш Қумри хола ва қизи Нурининг қалбини беаёв яралаб кетди. Оила бошлиғи урушдан қайтмади. Эвакуация қилинган заводда ишлаб, амаллаб рўзғор тебратди. Кейинчалик яхши ниятлар қилиб собиқ фронтчи Тўхтанқўз Усмонов билан бир ёстиққа бош қўйди, яна икки ўғил ва икки қиз кўришди.

Иллар ўтди, фарзандлар улғайди, оила, рўзғорчиликда нималар ўтмайди, дейсиз. Ана шу аччиқ-чучук сўзлар, ўзаро муносабатлардаги ноаҳиллик сабаб бўлдими, ҳар ҳолда оиладаги ўғиллар ўртасига совуқлик тушиб қолди. Ҳозир дастлабки жанжаллар нимадан бошланганлигини изоҳлаш қийин. Лекин бу бора-бора гина-кудуратга айланди.

Отамурод ҳарбий хизматдан ўйланиб қайтгач, муносабатлар янада кескинлашди. Султонмуроднинг хотинига овсин Антонина биринчи кунданоқ ёқиқирамади. Тез кунда улар жанжаллашиб, ҳовлини бошларига кўтаришди.

Овсинлар ўртасидаги жанжал ака-укаларни бир-бирларидан янада совитди. Машмашага аввал уларнинг ўзлари, кейинчалик қариндошуруғлар аралашишди. Баъзилари у тараф, баъзилари бу тараф.

Ота-она эса аллақачон мустақил бўлиб чиқиб кетган тўнғич қизларига илтижо билан мурожаат этишди.

Нури опа ота-онасининг юзидан ўтолмайди. Бу пайтда у қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий унвонига эга, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда раҳбар лавозимлардан бирида ишлаб турарди. Шароит яхши, уй-жой ҳам етарли. Бунинг устига қишлоқда ишлаётган мутахассис сифатида уларга каттагина томорқа участкаси ҳам берилганди. Ота-онасини таклиф этди:

— Келаверинглар, уйнинг тўри сизларники, — деди у. — Умрингдан барака топ, қизим.

— Овчининг тузоғига илиниб қолибди-да, жонивор!

Шофёр иккимиз кийик боласини тузоқдан бўшатиш учун анча уриндик. Она кийик эса бизларнинг шундоққина ёнимизда юз йиллик қадрдонлар каби нафаси — нафасимизга теккундай турар эди. Кийикчани бир амаллаб тузоқдан чиқардик. Уни эркалаб устбошини силарканман, кийикчанинг қоп-қора мунчоқдай кўзларини кўрдим. «Ёзувчилар бекорга оху кўз деб таърифламайдилар» деган ўй хаёлимдан ўтди. Жонивор нинг тип-тиниқ ва сехрли кўзларида ёш ҳалқаланди. Назаримда, бу — севинч ёшлари эди.

Шофёр ҳам, мен ҳам бу воқеадан беҳад ҳайратланиб ортимизга қайтдик. Машинага ўтириб яна йўлга тушдик. Кўп ҳам юрмаган эдик, машина ойнасидан кўзим яна боягги кийикларга тушди. Бир ёнида ота кийик ҳам бор эди. Ўрталарида эса боя биз тузоқдан қутқарган кийикча. Уччови баб-баробар биз томонга тикилишиб турарди.

—Улар гўё раҳмат айтишаётган эди...

ТУЛҚИН.

ОҚИБАТ

Ота-она ҳовли-жойларини сотиб, Отамуроднинг оиласи билан бирга қизларининг ёнига кўчиб келишди. У тортиқ қилган участканинг қуйи қисмига уй қуришга киришдилар.

Бироқ тотувлик узоққа чўзилмади. Келишмовчилик тезда Нури опага ҳам юқди. Буни у қуйидагича изоҳлайди:

— Уруш йилларидаги оғир, заҳматли меҳнат, оила ва турмуш ташвишлари онамнинг асабларини ишдан чиқарган. «Болам-бўтам» деб силаб-сийпалаш ўрнига «Чимкентдан сен учун кўчиб келдим, — деб йиғлаб-сиқтайверади, Антонина ҳам уни алаб ўтирмайди. Отамурод ҳамиша хотини тарафида.

Шундай қилиб, Нури опа ҳам тарафкашлик йўлига ўтди. Опа-ука ўртасида низо бошланди.

— Онамнинг юзига тик қарайдиган бундай келиннинг бизга кераги йўқ, — дея шарт қўйди у. Келадиган бўлсанг фақатгина ўзингатина рухсат...

Участканинг ота-онасига тортиқ қилган қисмини ҳали расмийлаштириб бермаган эди. Отамурод аввалига мойиллик билдирган бўлиб, ота-онаси билан бирга бўлди-ю, бир ҳафта қолмай оиласини ҳам участкага кўчириб келди.

Кўп ўтмай рўпарада Нури опанинг оиласи ҳам пойдевор ётқизиб бино тиклади, кейин кўчиб келишди. Оралардан оқибат кўтарилган опа-укаларнинг жанжали ана шундан сўнг қовлаб кетди. Уриш-сўкишларнинг тафти пасаявермагач ўртага пишиқ ғиштдан девор урилди.

Тўхтаниёз аканинг вафотидан сўнг эса муносабатлар яна ҳам чигаллашди. Опа-укалар ўртасидаги гина-кудуратлар энди очиқ мулкий даъволарга айланди.

— Ер менга ажратилган, кўч-кўронингни кўтар, — деди опа.

— Ота-онам яшаган, кучқувват сарфлаган жойни ташлаб ҳеч қаерга кетмайман, — деди униси оёқ тираб.

Отамурод ҳам тез кунда район техника инвентаризация бюроси инспектори Қ. Собиров ёрдамида участканинг ярми учун тегишли ҳужжатларни тўғрилаб олди.

Қумри хола изтиробга тушиб, гоҳ ўғил, гоҳ қизига ён босар, қай бирининг кўнглини олишни билолмай доғда эди. Иккала томон ҳам, айниқса, Отамурод ва келини ҳар бир жанжалдан сўнг заҳрини унга сочишарди. Опа укасининг устидан аввал маҳалла комитети, кейин район халқ судига арз қилди. Улар муаммони бартараф этишолмагач область халқ судига ариза берди.

Уруш-жанжаллар ҳар иккаласининг асабларини эговлаб, опанинг соғлиғи ёмонлашгач ишдан бўшади. Уки эса тез-тез асабийлашиб оддий нарсаларга ҳам ўзини тутолмайдиган, хотинини ҳам, онасини дам ҳақоратлайдиган бўлиб қолди.

Охири 1980 йил январининг бошларида она лашлашларини йиғиштирди-ю, қизиникига чиқди. Бироқ уникида кўп тура олмай Андижондаги қизиникига жўнаб кетди. Бу ерда ҳам «сафари тез қариди» — бош эгиб Чимкентга кириб келди.

Йўл азоби кекса онани толиқтириб қўйди. Кўп марталаб кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди ҳам. Қариндош-уруғлар кунда-кун ора йўқлаб туришди. Бироқ кўзи тўрт бўлиб кутган кишиси келмади. Бургага аччиғланиб кўрпага ўт қўйган бемеҳр ўғил опасига араз қилиб онасидан хабар олишдан воз кечди.

Она хозир ўзгалар эшигида. Бироқ опа-ука ўртасидаги жанжал-сурон, даъволар тўхтагани йўқ.

— Даъвоим онам хусусида, — дейди Нури Турсуметова. — Агар унинг уч минг сўмгина пули бўлганда эди, ҳар бир ўғил-қизиникида хотиржам, ҳеч кимга оғири тушмай яшайверарди. Бу маблағни уйга эгалик қилиб олгани учун Отамурод бериша керак...

Нури опанинг бу сўзларига ҳайронмиз. Наҳотки фарзандлар эшиги она учун пули бўлса очиг-у, бўлмаса берк? Она сутининг томчиси ҳар қанақанги дуру-жавоҳирдан қимматроқ эмасми?!

— Агар укам уй-жойини сотиб шу ердан кўчиб кетса, менга бир тийини ҳам керак эмас, — дея давом этади у.

Ажабо, бир пайтлар укасини бағрига олиш учун жонини жабборга бериб елибюгурган опанинг гапи шуми?...

Бир онадан оқ сут эмган жигарбандларнинг муносабати ҳозир кескинлашиб, бошн берк кўчага кириб қолган. Кун ора бу ҳонадонларнинг биронта аъзоси юз-кўзи кўкарган ҳолда иккинчисининг устидан шикоят қилиб келади. Ёнқўшни — жон қўшни бўлиши лозим бўлган туғишган опа-укаларнинг ўғил-қизлари ёвқараш қилиб, бир-бирларини ҳақоратлашади. Ўртада ҳар нарсага она балогардон, юрак ютиб ҳовлисига яқинлаша олмайди. Ҳар икки томон ундан дамонгир.

Мол-мулк, ер участкаси тақсимоти биланку, тегишли органлар шуғулланишар, лекин оиладаги аҳиллик, ўзаро иттифоқлик, меҳр-оқибат ва осойишталики барқарор қилиш билан ким шуғулланади? Наҳотки бу оила аъзолари, опа-укалар учун ҳаёт ва яшашнинг мазмуни шундан иборат бўлса? Меҳр-оқибат, саҳоват ва кечиримлилик каби фазилатлар одамийликнинг энг биринчи белгиси, ҳаёт зийнати эканлигидан наҳотки улар бехабар бўлишса?!

Бизнингча, опа-укалар келишмовчилигини фақатгина четдан туриб бартараф этиш қийин. Сабаби, тотувлик ва аҳилликни қалбларга сингдириш, уларни бир-бирига пайвандлаш анчагина мушкул. Бинобарин, муаммони бартараф этиш, кўнгилларини гардлардан тозалаб мусаффолаш кўпроқ жигарбандларнинг ўзларига боғлиқ. Ҳар иккала томон ёмонликдан юз ўгириб, яхшилик, меҳр-муҳаббат сари йўл тутса, диллар равшан тортиб, хонадонларига файз, қут-барака кириши шубҳасиз.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
А. БОБОБЕКОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ШАНБА САҲИФАСИ

МАРКАЗ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Оққўрғон райони марказан кундан-кунга чирой очиб ғўзаллашиб бораяпти. Бу ерда яқиндагина қад кўтарган янги дорихона, район ҳисоблаш ва ахборот марказининг маъмурий бинои, турар-жой бинолари марказ кўркига-кўрк қўшиб юборди. Уларга қараб кишининг завқи ортади. Чунки, бинолар да бригадамиз қўли гул бунёдкорларининг самарали меҳнати акс этиб турибди.

Бригадалараро уюштирилган социалистик мусобақада фаол иштирок этаётган қурувчиларимиз ўтган ойда планда белгиланган 20 минг сўм ўрнига 26 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирдилар. Бу ой эса 30 минг сўмлик иш бажаришни режаламоқдамиз. Бундай ютуқларни қўлга киритишда А. Тўхтаев, Р. Кабиров, Р. Нафиков каби қурувчиларимизнинг ҳиссаси катта. Улар кундалик нормаларини 150—160 процентга етказиб бажаришмоқда.

Т. ДАВЛАТОВ,
З-қурилиш бошқармасининг бригадири.

РУҲИНГИЗНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ

Биз яқин дўстимизни туғилган куни билан қутлагани йиғилган эдик. Суҳбат қизигандан сўнг унинг онаси патнисда исириқ тутатганча уйга кириб келди. Хонада жонланиш сезилди. Исириқнинг ёқимли ҳиди димоқларни қитиқлади.

— Соғ-саломат юринглар, ҳеч қандай касал сизга яқин йўламасин, — деди онахон, чирсиллаб тутаётган исириқни бизга яқинлаштирар экан.

Шу тариқа бу шифобахш гиёҳ қақида баҳслар авжига чиқди.

— Исириқ бундан минг йил аввал машҳур юнон табиблари Гален ва Дикарадуслар томонидан атрофлича ўрганилиб, шифобахш хусуситлари кўрсатиб берилган, — деди кимдир.

Шунда мен ҳам бу ўсимлик ҳақида ўз фикрларимни баён қила бошладим:

Буюк мутафаккир олим Абу Али ибн Сино ҳам бир неча хасталикларни даволашда жумладан, асабларнинг шамоллаши, тизза ва суякларнинг қақшаб оғриши, уйқусизлик, қўтир, томоқ оғриғи, нафас сиқилишида исириқдан фойдаланган.

Бугунги кунда бу ўсимлик илдизидан тайёрланган спиртли суюқлик бош миянинг яллиғланиши, оёқ-қўлларнинг қалтирашини даволашда ҳам қўлланилмоқда.

Ўзбекистон ва қардош республикаларнинг олимлари олиб бораётган тадқиқотлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, исириқ марказий нерв системасига ўтказадиган таъсирига қарши энг кучли препаратдир.

Шунингдек, исириқ ўсимлигидан ажратиб олинадиган суюқликлар ичтерлама, ичак таёқчаси ва тилларанг стафилококк бактерияларига қарши таъсири ҳам жуда кучли.

СССР Соғлиқни сақлаш Министрлиги ҳузуридаги Фармакология комитети томонидан исириқни нерв касалликларини даволашда қўллаш ва Тошкент кимё фармацевтика заводида кенг миқёсда шундай препаратлар ишлаб чиқариш тавсия қилинди.

Т. МАҲМУДОВ,
биолог.

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

ОМОЧ, КЕТМОН ВА ТРАКТОР...

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида «Омоч ва кетмондан ҳозирги замон ривожланган техникасигача» номли кўргазма очилди. «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси томонидан ташкил қилинган бу кўргазмани барча зўр қизиқиш билан томоша қилаётир.

Экспонатлар республикамизда қишлоқ хўжалиги жадал суръатлар билан ривожланганлиги, деҳқончилик маданияти ошиб бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Унда фақат музейлардагина сақланиб қолган омоч, кетмон билан бирга ҳозирги кунда пахтачиликда қўлланилаётган механизмлар, такомиллашган пахта териш машиналари ва бошқа турдаги техника восталарини кўриш мумкин.

К. ҚОБИЛОВ.

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРИМИЗ



«ҚУЛ БИЛАН ТИКЛАБ БЎЛМАС УЯ. ҚУРДИМ ЎЗИМГА!».

Реклама ва эълонлар

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

1—2 АВГУСТ СОАТ 20.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ «ТАБАССУМ» РЕДАКЦИЯСИ ИЖОДКОРЛАРИ ВА ИЖРОЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА

VIII-АНЪАНАВИЙ ТАБАССУМ КЕЧАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: «ТАБАССУМ»нинг ижодий коллективи, «ХАНДА» ансамбли, республиканинг узоқ-яқинидан келган қизиқчи ва латифагўйлар, ҳажвий миниатюра усталари иштирокида интермедия, ҳажвия, ҳангома, ҳазил қўшиқлар, пародиялар.

КЕЧАМИЗГА МАРҲАБО АЗИЗ ТАБАССУМСЕВАР ДЎСТЛАР!

Касса соат 12.00 дан очиқ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

129-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОШПАЗ (чет эл таомларини тайёрлашни ўргатиш билан), ОФИЦИАНТ (чет тилини ўрганиш билан), ҚАНДОЛАТЧИ. Ўқиш муддати—2 йил (10 синф ҳажмида маълумотлилар); ОШПАЗЛИК, ҚАНДОЛАТЧИЛИК. Ўқиш муддати—3 йил (8 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар); САНОАТ ТОВАРЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ СОТУВЧИ. Ўқиш муддати—10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 1 йил ва 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил.

Ўрта маълумотлиларга 30 сўм стипендия тўланади. 8 синф ҳажмида маълумоти бўлган ўқувчилар озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, билим юртини тамомлагандан сўнг ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртини тамомлаганлар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР территориясидаги интуристларга хизмат кўрсатувчи корхоналарда, республика Савдо министрлигининг корхоналарида ишлайдилар.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Билим юртига киришни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: автобиография, медицина справкаси (286-форма), турар-жойдан справка, характеристика, маълумоти ҳақида аттестат (асли), 5 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), ариза.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, Д-2, Аҳмад Дониш кўчаси, 22-уй (51, 72, 60, 48, 24, 107, 108-автобуслар; 23, 28, 29-трамвайларнинг «Д-2» бекати). Телефон: 24-78-00.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ

161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчилар, кондитерлар, нонвойлар, холодильникни созловчи-механиклар, нон ва пиво заводлари учун созловчи слесарлар.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 10 йиллик маълумотлилар учун 1 йил, 8 йиллик маълумотлилар учун 2 йил.

Билим юртига қабул қилинган 8 синф маълумоти бўлганларга уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва иш кийими берилади.

10 синф маълумоти бўлганларга 30 сўм стипендия берилади.

Меҳнат практикаси вақтида ишлаган иш ҳақининг 33 процента берилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига юборилдилар.

Узоқдан келганларга замонавий жиҳозланган ётоқхона берилади.

Билим юрти қошида миллий ансамбль, ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ва кечки мактаблар бор.

Билим юртини битирганларга танлаган мутахассисликлари бўйича 3—4 разряд берилади, ҳамда республикамизнинг озиқ-овқат корхоналарида ишлайдилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), соғлиги тўғрисидаги медицина справкаси (286-форма).

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, Гёте кўчаси, 52-уй.

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 26-уй).

Троллейбус ҳайдовчиларини тамерландиган

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсантлар, сўнгра ҳайдовчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Бошқа шаҳардан келган ёлғиз кишилар депо яқинида жойлашган ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Депо хизматчилари 50 процент ҳақ тўлаб форма кийими сотиб оладилар.

Спорт

ҲУЖУМЧИЛАР ЗАРБАДА

Мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари ўртасида навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. «Спартак» яна йириқ ҳисобда ғалабага эришди. Пойтахт футболчилари бу safar «Кубань»ни 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Лекин бундан ҳам йириқ ҳисоб Донецк шаҳрида қайд этилди. «Шахтёр» — «Днепр» ўйинида дарвозаларга жами 8 та тўп киритилди. Майдон эгалари 5:3 ҳисобида ғолиб келишди.

«Пахтакор» футболчилари Москва автозаводчиларини қабул қилишиб, 16-минутдаёқ ҳисобни очдилар. Олег Пак рақиб ҳимоячилари ва дарвозабонини чалғитиб, чиройли тўп киритди. Кейинчалик майдон эгалари ҳужумга зўр беришса-да, муваффақиятли мустаҳкамлаб олмадилар. 33-минутда автозаводчи А. Соловьев вазиятни тенглаштирди. Кейинчалик ҳар иккала команда ҳужумчилари бир неча мартадан ҳисобни ўзгартириш имконига эга бўлсалар-да, бунинг уддасидан чиқиша олмадилар. 1:1 ҳисоби ўзгармай қолди.

Шу турнинг бошқа ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қайрат» — ЦСКА — 0:2, «Зенит» — «Динамо» (Тбилиси) — 2:2, «Нефтчи» — «Черноморец» — 2:1, «Динамо» (Минск) — «Арарат» —1:2, СКА — «Динамо» (Киев)— 0:1.

СПАРТАКИАДА КУНДАЛИГИ

ВЕЛОСПОРТ. 75 километрга ўтказилган команда пойгасида Ю. Шилков, М. Зайдулин, Ю. Абрамов ва С. Гимченколардан иборат Ўзбекистон терма командаси масофага 1 соат 41 минут 15,9 секунд вақт сарфлаб, еттинчи ўринни олди.

ҚЎЛ ТЎПИ. Финал беллашувларда қатнашаётган Ўзбекистон командаси РСФСР коллективига 29:37 ҳисобида ютқазди. Қизлар командамиз эса ленинградлик тенгдошларидан 22:23 ҳисобида енгилди.

СУВГА САКРАШ. Олмаликлик Светлана Моисеева ғўртичи ўрнини эгаллади. 3 метрлик баландликдан сакрашда М. Цвикос билан Н. Мамаевалар кучли ўйиндан жой олишди.

«ОНАМИЗ ҚАЧОН КЕЛАРКАН-А?!..».

А. Абалян ва Ҳ. Мирзакаримов фотоэтюдлари.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Буратино кўргазмаси. 10.35— Ота-оналар, сизлар учун. 11.05 — Сизни қизиқтирувчи китоблар. 11.50 — «Спортлотонинг 30-тиражи. 12.00 — Кинопрограмма. 12.30 — Камалак. 13.00 — Инсон. Ер. Коинот. 13.45 — Фолиблар. 15.15—Дунё воқеалари. 15.30 — Эртага — савдо ходимлари куни. 15.50 — Хатларингиз асосида. 16.35 — Ҳайвонот оламида. 17.35 — Универсиада кундалиги. 17.50 — Снёсий шарҳловчи суҳбати. 18.20 — Телевизион бадиий фильм. 19.15 — 9-студия. 20.15 — Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05— Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.20 — Бутун жаҳон студентлар ўйинларида. 00.05 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50— Болалар фронтга кетаётган эдилар. Бадиий фильм. 12.10 — Инсон болаликдан бошланади. 12.45 — А. Абдуллин. Ўн учинчи ранс. Спектакль. 14.35 — Кинопублицист-экрани. 15.15 — Денгиз чорлайди. 16.55 — Кўрсатувлар программаси. 17.00 — Дўстлик экрани. 18.00 — Кўғирчоқ фильмлар. 18.30 — До-ре-ми-фа-соль. 19.00 — Ота-оналар университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.35 — Оталар сўзи—ақлнинг кўзи. 23.35 — Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02150. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1681.